

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Ёркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлоқ
хужалиғини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ёшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнура Ёшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далам педагогика институти

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Са. ифаловчи: @tadqiqotdesign

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Камола Саипова ТАССР АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИНИНГ ӱЗГАРИШИ (1918-1924 йй.).....	4
2. Фаррух Акчаев ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ АНЪАНАЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРДА САҚЛАНИШИ.....	13
3. Рўзибек Бабаев XX-XXI АСРДА ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ЭТНОТОПОНОМИК ТАРИХИ (ЯНГИОБОД ТУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)....	23
4. Елена Гордеева ОБРЯД ЭКСКАРНАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ: ИСТОРИЯ И ЭВОЛЮЦИЯ.....	29
5. Улугбек Мирзалиев СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ (XX АСР 70-80 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	35
6. Sherbek Ravshanov XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA TURKISTONGA ROSSIYADAN KO‘CHIB KELGAN ANOLINING IJTIMOIIY TARIXI.....	42
7. Наргиза Сейтимбетова МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР – МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ЗАРУР ШАРТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	50
8. Умиджон Тожибоев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ТЕАТР ВА УНИНГ ӱЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	57
9. Икромжон Умаров XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ҚАТАҒОНЛАРНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ВА АНЪАНАВИЙ ХӱЖАЛИГИ.....	62
10. Раъно Уразова АВЕСТА ИЛОҲИЁТИДА ВАЗИФАЛАР ТАҚСИМОТИНИНГ “ТОҲЛАР” ВА “КЕНЖА АВЕСТА”ДА ИФОДАЛАРИ.....	73
11. Азизбек Холлиев XVII-XIX АСР БОШИДА РОССИЯДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ.....	79
12. Феруза Шамукарамова А.Я. ЯКУБОВСКИЙНИНГ ЗАРАФШОН ВОДИЙСИНИ ӱРГАНИШГА ҚӱШГАН ҲИССАСИ.....	90



Наргиза Минсизбаевна Сейтимбетова,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
«Археология» кафедраси доцент в.б., PhD
seytimbetovanargiza@umail.uz

МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР – МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ЗАРУР ШАРТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

For citation: Nargiza M.Seytimbetova. NATIONAL-CULTURAL CENTERS ARE ONE OF THE NECESSARY CONDITIONS FOR STRENGTHENING INTERNATIONAL RELATIONS. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 12, pp.50-56

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10360797>

АННОТАЦИЯ

Ҳозирги кунда геосиёсий ва мафкуравий жараёнлар авж олган глобаллашув даврида, шунингдек жаҳонда иқтисодий, сиёсий, миллий, диний ва бошқа зиддиятлар кучайган бир шароитда миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳар бир давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган миллатлараро муносабатлар соҳасидаги кенг қўламли ислохатлар, миллий маданий марказлар фаолиятини илмий тадқиқ қилиш тарих фанининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ушбу мақолада миллий-маданий марказлар – миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашнинг зарур шартларидан бири эканлиги, Қорақалпоғистон Республикасидаги миллий-маданий марказларнинг фаолияти, марказлар томондан амалга оширилаётган ишлар, ҳар бир миллат вакилининг этник ўзига хослигини сақлашда миллий маданий марказларнинг аҳамияти сўз этилади.

Калит сўзлар: миллат, тил, миллий маданий марказ, этник ўзига хослик, миллатлараро тотувлик

Наргиза Минсизбаевна Сейтимбетова,
Каракалпакский государственный университет имени Бердаха,
и.о.доцент кафедры «Археология», PhD
seytimbetovanargiza@umail.uz

НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫЕ ЦЕНТРЫ – ОДИН ИЗ НЕОБХОДИМЫХ УСЛОВИЙ УКРЕПЛЕНИЯ МЕЖДУНАЦИОНАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

В настоящее время, в эпоху глобализации, когда активизировались геополитические и идеологические процессы, а также в условиях нарастания экономических, политических, национальных, религиозных и других конфликтов в мире, обеспечение межэтнического согласия является одним из основных направлений каждой государственной политики.

Масштабные реформы в сфере межнациональных отношений, реализуемые в Республике Узбекистан, в том числе в Республике Каракалпакстан, научные исследования деятельности национальных культурных центров являются одной из актуальных проблем исторической науки.

В данной статье говорится о том, что национально-культурные центры являются одним из необходимых условий укрепления межнациональных отношений, значение национально-культурных центров по сохранению этнической идентичности представителей каждой нации, деятельности национально-культурных центров в Республике Каракалпакстан.

Ключевые слова: нация, язык, национально-культурный центр, этническая идентичность, межэтническое согласие.

Nargiza M.Seytimbetova,
Karakalpak State University named after Berdakh,
docent of the Department of "Archeology", PhD
seytimbetovanargiza@umail.uz

NATIONAL-CULTURAL CENTERS ARE ONE OF THE NECESSARY CONDITIONS FOR STRENGTHENING INTERNATIONAL RELATIONS

ABSTRACT

Currently, in the era of globalization, when geopolitical and ideological processes have intensified, as well as in the context of growing economic, political, national, religious and other conflicts in the world, ensuring interethnic harmony is one of the main directions of every state policy.

Large-scale reforms in the field of interethnic relations being implemented in the Republic of Uzbekistan, including in the Republic of Karakalpakstan, scientific research into the activities of national cultural centers are one of the actual problems of historical science.

This article examines that national-cultural centers are one of the necessary conditions for strengthening interethnic relations, the importance of national-cultural centers in preserving the ethnic identity of representatives of each nation, the activities of national-cultural centers in the Republic of Karakalpakstan.

Index Terms: nation, language, national-cultural center, ethnic identity, interethnic harmony.

1. Долзарблиги:

Ҳар қандай жамиятда турли этник гуруҳлар вакиллари ўзига хос тил, ҳулқ-атвор, этник қарашлар тизимида ўз аксини топган қоида ва меъёрлари, урф-одатлар ва анъаналар оламида яшайди. Инсоннинг моҳияти ўзаро муносабатда, бошқа киши билан мулоқатга киришганида намоён бўлади. Бироқ атрофдаги борлиқ индивидуал қабул қилиниши боис, ҳар бир шахс ўзи мансуб бўлмаган бошқа гуруҳ вакилининг маданий муҳити хусусиятларини ўзига хос равишда англайди. Бундай шароитларда этнослараро муносабатларнинг ҳалқлараро интеграцияси зарур. Пировардида ҳозирги пайтда этник қизиқиш ўз ташкилий тузилиши, қоидалари, ҳулқ-атвор меъёрлари, қадриятлари ва ижтимоий функцияларига эга миллий маданий бирлашмалар, ассоциациялар шаклини олган ташкилий тузилмалар доирасида намоён этилади [1].

XX асрнинг охирида кўп миллатли Ўзбекистонда этник уйғониш жараёни жуда яққол намоён бўлди. Айниқса, мамлакат мустақилликка эришгандан кейин, ижтимоий-сиёсий жараёнларда миллий омилнинг аҳамияти ўсиб, асосий миллатлар (ўзбеклар, қорақалпоқлар)дагина эмас, бу ерда яшовчи бошқа барча халқларнинг вакилларида ҳам ўз тарихига, анъанавий маданиятига қизиқиш кучайди [2]. Ушбу ҳол ҳар бир миллат вакилининг миллий ўзига хослиги асосида бирлашув жараёни, яъни миллий-маданий марказларини ташкил қилиш орқали миллий маданиятини, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш жараёни юз беришига олиб келди.

Мустақиллик йилларида кўп миллатли республикада халқлар ўртасида тинчлик ва миллатлараро бағрикенглик сақланганлиги давлатимизнинг ўзига хос ривожланиш йўлида қўлга киритган энг катта ютуғи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланишида миллатлараро тотувлик катта аҳамиятга эга. Кўп миллатли республикада ҳар бир миллат вакилининг тақдири, уларнинг миллий хусусиятларига эътибор бериш, уларнинг ривожланишига имконият яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Мустақиллик йилларида миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш, жамиятимизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасида уюшқоқлик ва меҳр-оқибат муносабатларини сақлаш, ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугун мамлакатда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда [3].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда мустақиллик йилларида мазкур муомма бўйича илмий мақолалар, китоблар, матбуот материаллари, шунингдек ушбу соҳага оид идораларнинг маълумотлари таҳлил қилинган.

3. Тадқиқот натижалари:

Демократик жараёнлар яхши ривожланган ҳуқуқий ва фуқаролик мамлакатларда жамиятни уч секторга давлат, бизнес ва нодавлат ва нотижорат ташкилотларга ажратади.

Давлат сектор давлат миқёсидаги сиёсий ва уруш хавфсизлиги, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа катта муаммоларни, бизнес сектори мамлакатдаги барча бизнес муаммоларни ечиш билан шуғулланиб, халқнинг ҳаёт тарзини фаровонлаштиришга хизмат қилади.

Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ҳали давлатнинг қўли етишмаётган, жуда кўп сонли муаммоларнинг давлатдан маблағ сўрамасдан ечилишини таъминлаб, халқнинг ҳаёт тарзини яхшилашга ҳисса қўшади ва жамиятдаги демократиялаштириш жараёнларини тезлаштиради. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ҳисса қўшаётган ана шундай нодавлат ижтимоий ташкилотлардан бири миллий-маданий марказлар ҳисобланади.

Миллий маданий марказлар – Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган барча миллат, элатларнинг маданият, маънавият, миллий урф-одатлар ва анъаналар соҳасидаги ўзларига хос талаб ва эҳтиёжларини кондириш, шу тариқа уларнинг Ўзбекистон миқёсида янада мустаҳкамроқ жипслаштиришга хизмат қилувчи ижтимоий-ихтиёрий ташкилотлардир [4].

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган миллий сиёсат натижасида Ўзбекистонда яшаётган барча миллат вакиллари орасида этник-маданий асосларда бирлашиш жараёни юз берди. Миллий-маданий марказларни ташкил қилиш асосида халқларнинг миллий дастурлари, маданиятлари ва бошқа ўзига хос хусусиятларининг ривожланишига кенг йўл очиб берди.

1989 йили Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ижтимоий ташкилотлари – миллий-маданий марказлар ташкил қилина бошлаган ва ўша йили уларнинг сони 12 га етган эди. 1989 йили Маданият Вазирлиги қошида Республика миллатлараро

маданият маркази ташкил қилинди. Мустақиллик йилларида яратилган имкониятлар сабабли бу жараён тез ривожланди [5].

Қорақалпоғистон республикасида ўтган йиллар мобайнида бир қанча миллий маданий марказлар ташкил топди. Қорақалпоғистон Республикаси Корейслар ассоцияси. Нукус шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси Қозоқ маданий маркази Нукус шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси рус маданий маркази Нукус шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази Тўртқўл шаҳрида шулар жумласидандир.

Миллий маданий марказлар ўтмиш совет тузимидан қолган унсурларни секин аста йўқ қилиб, ўрнига миллат ва элатларни урф-одатлари, анъаналарини тиклашга ёрдамлашмоқда.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи турли миллат вакилларининг республика ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш миллий-маданий марказлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Шунингдек, хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилотлар ҳамда тарихий ватанлари билан дўстлик, ҳамкорлик, маданий-маърифий алоқалар ўрнатиш ва ҳамдўстлик алоқаларини ривожлантириш, республика Байналмилал маданият маркази, манфаатдор вазирликлар, идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ижодий уюшмалар билан ҳамкорликда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш марказнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда истиқомат қилувчи миллий гуруҳлар ўз салоҳиятини ҳамда миллий анъана, урф - одатлари ва миллий маданият хазиналарини кенг намойиш этиш имкониятларига эга бўлди. Шунингдек, ўзаро йиғинларни мажлислар, расмий учрашувлар ҳамда илмий амалий маданий конференцияларни ўз хоҳишлари ва ўзларига қулай деб ҳисоблаган тилда ўтказишади. 2002 йили республикада 120 та миллий-маданият марказлари фаолият кўрсатди. Қуйида исми – шарифлари келтирилаётган шахслар республикамиз шаҳар, вилоят ва туманларида миллатлараро дўстлик ва қардошлик муносабатларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги фидойи кишилардир. Улар раҳбарлигида миллий маданий марказлар самарали тарбиявий ва ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 2002 йил 14 январдаги "Республика байналмилал миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларидан "Прогресс" (Қорақалпоғистон Республикаси) таълим ва тараққиёт маркази директорининг ўринбосари - Бегимбетова Нурия Айтбаевна, Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий-маданий маркази раиси - Султонов Бекпўлат "Шухрат" медали билан, тақдирлаш ҳақидаги Президентнинг фармони юртимизда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик инсонпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий-маданий марказларни тузиш ва фаолиятини ташкил этишга қўшган ҳиссасининг юксак эътирофидир.

2017 йил 24 январда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Республика байналмилал маданият марказининг миллатлараро муносабатларни ривожлантиришдаги фаолиятига баҳо берар экан, «МДХ давлатлари ичида фақат Ўзбекистондагина шундай идора ташкил этилганлиги эътиборга лойиқ» деб таъкидлаб ўтади [6].

2017 йил 19 майда “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони бўйича Республика байналмилал маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг Маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил қилинди. Кўмита миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий ташаббусларни кўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни амалга оширади.

Шунингдек, миллий-маданий марказларга амалий ва методик ёрдам кўрсатади, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, миллати, ирки ва диний эътиқодидан қатъий назар, фуқаролар онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, “Ўзбекистон – умумий уйимиз” тамойилини амалга ошириш чораларини кўради [7].

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам миллий-маданий марказлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. 2014 йили 1 февралда Қорақалпоғистон Республикасидаги миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш таркиби ҳамда Низомини тасдиқлаш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарори қабул қилинди. Вазирлар Кенгаши қарори бўйича Қорақалпоғистон Республикасидаги миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаши (М.Алеуов)га Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, маърузаларида баён этилган кўрсатма ва ҳулосалари асосида жойларда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари иштирокида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш борасида давра суҳбатларини мунтазам равишда ўтказилишини ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида мониторингини олиб бориш, республикада миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, миллий истиклол ғоясининг мазмун-моҳиятини турли миллат ва элат вакиллари орасида тарғиб ва тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар режасини таклиф ва тавсиялар асосида қайта кўриб чиқиш, миллий-маданий марказлар ва турли конфессия вакиллари билан ҳамкорликда миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро ҳамжиҳатликка раҳна солувчи халқаро терроризм, диний экстремизм ва миссионерлик ҳаракатининг олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларнинг мунтазам ўтказилишини таъминлаш вазифаси белгиланди [8].

Йиғилишда 2014 йил 1 февралдаги 01-08/15-02/57-сон қарорининг 2-илоvasи билан Қорақалпоғистон Республикасидаги миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаши тўғрисида Низом тасдиқланди. Низомда Кенгашнинг қуйидаги асосий вазифалари белгилаб берилди:

миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларга алоқадор бўлган ташкилотлар, идоралар, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

жамоатчиликнинг миллатлараро муносабатлари маданиятини ривожлантириш, миллатлараро тотувлик тамойилларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ташаббусларни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

Қорақалпоғистон Республикасида яшаб турган миллат ва элат вакиллариининг маънавий ва маданий эҳтиёжларини атрофлича ўрганиш, уларни тўлиқ ва ҳар томонлама қондиришга қўмаклашиш;

байналмилал тарбияни амалга ошириш ва бадий ҳаваскорликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишни қўллаб-қувватлаш;

миллий-маданий марказлар иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, уларнинг ишини ташкил этиш бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

миллатлараро муносабатни уйғунлаштиришга йўналтирилган тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда қатнашиш;

миллий-маданий марказлар фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қўмаклашиш;

Кенгаш ўз ишига алоқадор бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга мутасаддилик қилади [9].

Кенгашнинг ташкил этилиши республикада миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштиришда, миллий-маданий марказлар фаолиятини ривожлантириш учун амалий ёрдам кўрсатишда, миллатлараро тотувликни тарғиб қилувчи тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда амалий аҳамият касб этди.

Миллий-маданий марказларнинг асосий вазифалари уч йўналишга эга: 1) ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва расм-русумларини тиклаш, тарихий Ватан

билан алоқа ва муносабатларни жонлантириш, миллий ҳис-туйғуларнинг намоён бўлишига кенг йўл очиш; 2) мустақил Ўзбекистонни ўзининг ҳақиқий ватани деб билиш ва унга беминнат ҳамда садоқат билан хизмат қилиш; 3) Ватан билан муштарак ҳаёт кечириш, унинг маданияти, тарихи ва тилини ўрганиш, мустақил давлатга номи берилган миллат билан дўстликда, ҳамкорликда ва тотувликда яшаш. Ана шу уч йўналишда олиб борилаётган ишлар йил сайин янгидан-янги шаклларда, турларда, йўналишларда ранг-баранг бўлиб бормоқда, шу жумладан:

ўз миллий тарихини, маданиятини, тилини, урф-одатларини ўрганиш тўғараклари ишламоқда;

Ўзбекистон тарихини, маданиятини ва тилини ўрганиш тўғараклари фаолият кўрсатмоқда;

миллий мусиқа, ракс ва ҳунар тўғараклари ўз ишини кенгайтirmoқда;

миллий байрам кунларига бағишлаб тадбирлар ўтказилмоқда, фестиваллар ташкил қилинмоқда;

тарихий Ватандан келган сиёсий арбоблар ва маданият намояндалари билан учрашувлар ўтказилмоқда ва ҳоказо [10].

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудлари каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам миллатлараро муносабатлар соҳасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Республикада миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиб, бу Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясида, Қорақалпоғистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги қонунида, соҳага оид Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 ноябрдаги “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5876-сонли Фармони ва 2019-2021 йилларда Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 7-банди ижросини таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикасида Этномаданий инфратузилмани ривожлантириш бўйича ҳаракатлар режасида ўз ифодасини топган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгаши таркиби тасдиқланди [11].

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибияти республикада соҳага оид ишларни муфовиқлаштириб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида корейслар ассоциацияси, рус маданияти маркази, қозоқ миллий-маданий маркази, туркман миллий-маданий маркази, украин миллий-маданий маркази, Қўнғирот тумани қозоқ миллий маданий марказ бўлими фаолият кўрсатмоқда. Бу миллий-маданий марказларнинг асосий мақсади Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш, ҳар бир миллатнинг ўз миллий хусусиятлари, тарихий кадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришдан иборат. Бу миллий-маданий марказлар бошчилигида Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудларида турли фестиваллар, кўрик танловлар, ҳар бир халқнинг миллий хусусиятларини ифодаловчи байрамлар, семинарлар, конференциялар ва учрашувлар ўтказиш анъанага айланган.

4. Хулосалар:

Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар республикада миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида дадил кадамлар билан меҳнат қилмоқда. Турли маданий марказлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, маданий чиқишлар муҳим аҳамиятга эга.

Республика миллий-маданий марказлари кўплаб йўналишларида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Булар тарихий-этнографик, маданий-маърифий, мусиқали, илмий-оммабоп, илмий, ахборот ва ижтимоий-хайрия билан боғлиқ тадбирларда аниқ кўринади. Бу миллий-маданий марказлар томонидан ташкил

қилинган тадбирлар ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятларини юзага чиқаришга, ўз анъаналарини келгуси авлодга етказишга, ўз она тилини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Агабаев Ш.К. Глобаллашув жараёнида сиёсий толерантлик масаласи.//Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети «Хабаршысы». – Нукус. 2020. №2, 132-б. (Agabaev Sh.K. The issue of political tolerance in the process of globalization.// The journal "Khabarshy" of the Kharakalpak State University named after Berdak. - Nukus. 2020. No. 2, p. 132.)
2. Муртазаева Р.Ҳ. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. -Т. «Университет» 2007, 37-б.(Murtazaeva R.H. Interethnic relations and tolerance in Uzbekistan. -T. "University" 2007, p. 37.)
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи// Халқ сўзи. 2017 йил 25-январь (The speech of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev at the meeting dedicated to the 25th anniversary of the establishment of the Republican International Cultural Center// The newspaper "Khalq sozi". January 25, 2017)
4. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Т, Шарқ, 1998, 129-б.(Independence. Annotated scientific-popular dictionary. -T, East, 1998, p. 129.)
5. Usmanov Q. O'zbekstan tariyxi. - No'kis. 2012. 187-б (Usmanov K. History of Uzbekistan. - Nokis. 2012. p. 187)
6. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент. 2017. 297-б. (Mirziyoev Sh. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. - Tashkent. 2017. p. 297.)
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони // «Халқ сўзи» газетаси. 2017 йил 23 май (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further improve international relations and friendly relations with foreign countries" // "Khalq sozi" newspaper. May 23, 2017)
8. Қорақалпоғистон Республикасидаги миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш таркиби ҳамда Низомини тасдиқлаш тўғрисида // <https://sovminrk.gov.uz/uz/pages/show/6494> (On approval of the composition and regulations of the Council coordinating the activities of national-cultural centers in the Republic of Karakalpakstan)
9. Қорақалпоғистон Республикасидаги миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш таркиби ҳамда Низомини тасдиқлаш тўғрисида // <https://sovminrk.gov.uz/uz/pages/show/6494> (On approval of the composition and regulations of the Council coordinating the activities of national-cultural centers in the Republic of Karakalpakstan)
10. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Т, «Шарқ», 1998, 129-130-бетлар. (Independence. Annotated scientific-popular dictionary. -T, East, 1998, p. 129-130.)
11. Миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди // <https://gazeta.uz> (The main directions of the state policy in the field of international relations were defined)

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 6, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST
VOLUME 6, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000